Маънавий мерос хазинамиздан

حركات

Ҳаракот

(Араб тили наҳв фанидан дарслик)

Таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент
2011-йил

بسم الله الرحمن الرحيم

فصل

حَرَكَاتُ الإعْرَابِ تُسَمَّى الرَّفْعَ وَالنَّصْبَ وَالجْرَّ، وَهِيَ الحْرَكَاتُ الْمُخْتَلِفَةُ الَّتِي تَحْدِثُ فِي آخِرِ الإسْمِ بِعَوَامِلَ مُختَلِفَةٍ تَدخُلُ عَلَيهِ، كَقَولِكَ: جَاءَنِي الرَّجُلُ، وَرَأَيتُ الرَّجُلَ، وَمَرَرْتُ بِالرَّجُلِ.

وَحَرَكَاتُ البِنَاءِ تُسَمَّى الضَّمَّ وَالفَتْحَ وَالكَسْرَ، وَهِيَ الْحَرَكَاتُ الَّتِي تُبنَى عَلَيهَا الأَسْمَاءَ لاَ أَنْ تَحْدِثَ بِعَوَامِلَ مُختَلِفَةٍ، كَقَولِكَ مِنْ، حَيثُ، وَمِنْ بَعدُ، وَكَيْفَ، وَأَيْنَ، وَهَؤُلاَءِ، وَأَمْسِ، وَكَذَلِكَ كُلُّ حَرَكَةٍ وَقَعَت فِي أَوَّلِ الكَلِمَةِ أوْ فِي وَسَطِهَا فَهِيَ بِنَائِيَّةٌ.

ФАСЛ

Эъроб ҳаракатларини рафъ, насб ва жар, деб номланади. У ҳар-турлик ҳаракатлар бўлиб, унга ҳар-хил омиллар сабаб бўлиб, исмнинг охирида ўзгариш рўй беради.

Масалан сўзингдаги: جَاءَنِي الرَّجُلُ، وَرَأَيتُ الرَّجُلَ، وَمَرَرْتُ بِالرَّجُلِ каби.

Маъноси: Менга бир киши келди, бир кишини кўрдим, бир киши билан ўтдим.

Бинонинг ҳаракатларини эса замма, фатҳа ва касра деб номланади. У шундай ҳаракатларки, ҳар-хил омиллар таъсир қилмасдан исмлар унга бино қилинади.

Сўзингдаги: مِنْ، حَيثُ، وَمِنْ بَعدُ، وَكَيْفَ، وَأَيْنَ، وَهَؤُلاَءِ، وَأَمْسِ каби. Шунингдек ҳар-бир ҳаракатки, сўзнинг бошида ёки ўртасида келса, у ҳам бинодир.

فصل

فِي اسمِ الْمَعْرِفَةِ وَالنَّكْرَةِ: فَالْمَعْرِفَةُ، هُوَ الَّذِي كَانَ مُسَمَّاهُ مَعْلُومًا، وَعَلامَتُهُ فِي الأَسْمَاءِ الأَجْنَاسِ الأَلِفُ وَاللاَّمُ وَالإِضَافَةُ، كَقَولِكَ: اَلرَّجُلُ، وَالغُلاَمُ، وَالفَرَسُ، وَغُلاَمُكَ، وَفَرَسُكَ.

وَالنَّكِرَةُ هُوَ الَّذِي كَانَ مُسَمَّاهُ مَجْهُولاً، وَعَلاَمَتُهُ فِي أَسْمَاءِ الأَجنَاسِ التَّجَرُّدُ عَنِ الأَلِفِ وَاللاَّمِ وَالإِضَافَةِ، كَقَولِكَ: رَجُلٌ وَغُلاَمٌ وَفَرَسٌ.

МАЪРИФА ВА НАКРА ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Маърифа у шундай нарсаки, номланган нарсаси маълум бўлиб, унинг исми жинслардаги аломати “алиф лом” ва “изофа”дир.

Сўзингдаги اَلرَّجُلُ، وَالغُلاَمُ، وَالفَرَسُ، وَغُلاَمُكَ، وَفَرَسُكَ каби.

Накра у шундай нарсаки, номланган нарсаси номаълум бўлиб, исми жинсларда унинг аломати “алиф лом” ва “изофа”дан ҳоли бўлишидир. Сўзингдаги رَجُلٌ، غُلاَمٌ، فَرَسٌ каби.

فصل

اَلتَّنوِينُ وَالأَلِفُ وَاللاَّمُ لاَ يَجتَمِعَانِ فِي اسْمٍ وَاحِدٍ، تَقُولُ: غُلاَمٌ أَوِ الغُلاَمُ وَلاَ يَجُوزُ أَنْ تَقُولَ الغُلاَمٌ بِالتَّنْوِينِ.

ФАСЛ

Танвин ва алиф лом бир исмда жам бўлмайди.

Масалан: غُلاَمٌ ёки الغُلاَمُ деб айта оласан. Аммо الغُلاَمٌ деб “алиф лом” ва “танвин”ни бир исмда жамлаб айтишинг жоиз эмас.

فَصْل

اَلأَسْمَاءُ الَّذِي يَدخُلُهُ التَّنوِينُ وَالْحَرَكَاتُ الثَّلاَثُ جَمِيعًا يُسَمَّى مُنصَرِفًا، كَقَولِكَ: هَذَا رَجُلٌ، وَرَأَيْتُ رَجُلاً، وَمَرَرْتُ بِرَجُلٍ، وَالَّذِي يَدخُلُهُ الرَّفعُ وَالنَّصْبُ فَقَطْ وَلاَ يَدْخُلُهُ الْجَرُّ وَالتَّنْوِينُ وَإِنَّمَا يُنْصَبُ فِي مَوْضِعِ الْجَرِّ يُسَمَّى غَيرَ مُنْصَرِفٍ، كَقَولِكَ: هَذَا أَحَمَدُ وَرَأَيْتُ أَحْمَدَ وَمَرَرْتُ بِأَحْمَدَ وَالَّذِي لاَ يَدْخُلُهُ التَّنْوِينُ وَالْحَرَكَاتُ الثَّلاَثُ جَمِيعًا يُسَمَّى مَبنِيًّا كَقَوْلِكَ: مَنْ، وَكَمْ، وَهَؤُلاَءِ، وَأَمْسِ.

ФАСЛ

Танвин ва уч ҳаракатнинг барчаси кирган исмларни “**мунсариф**” (охири ҳаракатланувчи), деб номланади.

Сўзингдаги هَذَا رَجُلٌ، وَرَأَيْتُ رَجُلاً، وَمَرَرْتُ بِرَجُلٍ каби.

Фақат рафъ ва насб кириб, жар ва танвин кирмасдан, жар ўрнида ҳам насб ўқиладиган исмни “**ғойри мунсариф**”, деб номланади.

Сўзингдаги: هَذَا أَحَمَدُ وَرَأَيْتُ أَحْمَدَ وَمَرَرْتُ بِأَحْمَدَ каби.

غير المنصرف	المنصرف	الإعْرَابُ
هَذَا أَحَمَدُ (الضَّمَّةُ الظَّاهِرَةُ)	هَذَا رَجُلٌ (الضَّمَّةُ الظَّاهِرَةُ)	**مَرْفُوعٌ**: ←
رَأَيْتُ أحْمَدَ (الْفَتْحَةُ الظَّاهِرَةُ)	رَأَيْتُ رَجُلاً (الْفَتْحَةُ الظَّاهِرَةُ)	**مَنْصُوبٌ**: ←
مَرَرْتُ بِأَحْمَدَ (الكَسْرَةُ الْمُقَدَّرَةُ)	مَرَرْتُ بِرَجُلٍ (الكَسْرَةُ الْمُقَدَّرَةُ)	**مَجْرُور**: ←

Энди танвин ва учта ҳаракатнинг барчаси кирмайдиган нарсани “**мабний**”, деб аталади. Сўзингдаги: مَنْ، وَكَمْ، وَهَؤُلاَءِ، وَأَمْسِ каби.

(**Изоҳ**: Мабний у охиридаги ҳаракат қотиб қолиб, ўзгартирувчи омиллар келса ҳам у ҳеч

қачон ўзгармайдиган нарсага айтилади. Мозий феъли фатҳага мабний. Амр феъли сукунга мабний. Ҳарфларнинг барчаси мабнийдир).

فصل

إِذَا كَانَ فِي آخِرِ الإِسْمِ أَلِفٌ مَقْصُورَةٌ لَمْ يَظْهَرْ فِيهِ الإِعْرَابُ كَقَوْلِكَ: هَذَا الرَّحَى وَرَأَيْتُ الرَّحَى وَمَرَرْتُ بِالرَّحَى.

ФАСЛ

Агар исмнинг охирида “алифи мақсура” бўлса унда эъроблар зоҳир бўлиб, кўринмайди.

Сўзингдаги: هَذَا الرَّحَى، رَأَيْتُ الرَّحَى، مَرَرْتُ بِالرَّحَى каби.

الْمَقْصُورُ (ألف لازمة)	**الْحَالَةُ الإِعْرَابِيَّةِ**
هَذَا الرَّحَى (ضَمَّة الْمُقَدَّرة)	**مَرْفُوعٌ:** ←
رَأَيْتُ الرَّحَى (فَتْحَة الْمُقَدَّرة)	**مَنْصُوبٌ:** ←
مَرَرْتُ بِالرَّحَى (كَسْرَة الْمُقَدَّرة)	**مَجْرُور:** ←

فصل

إِذَا ثُنِّيَ الإِسْمُ أُلْحِقَ بِآخِرِهِ أَلِفٌ وَنُونٌ مَكْسُورَةٌ أَوْ يَاءٌ مَفْتُوحٌ مَا قَبْلَهَا وَنُونٌ مَكْسُورَةٌ كَقَولِكَ: رَجُلاَنِ وَرَجُلَيْنِ وَغُلاَمَانِ وَغُلاَمَينِ.

الأَلِفُ عَلاَمَةُ الرَّفْعِ فِي التَّثْنِيَةِ، وَالْيَاءُ عَلاَمَةُ النَّصْبِ وَالْجَرِّ، تَقُولُ: جَاءَنِي غُلاَمَانِ،

وَهَذَانِ رَجُلاَنِ كَمَا تَقُولُ: جَاءَنِي غُلاَمٌ، وَهَذَا رَجُلٌ، وَرَأَيْتُ غُلاَمَيْنِ كَمَا تَقُولُ: رَأَيْتُ غُلاَمًا وَمَرَرْتُ بِغُلاَمَيْنِ كَمَا تَقُولُ مَرَرْتُ بِغُلاَمٍ.

ФАСЛ

Агар бир исмни тасния (иккилик) қилмоқчи бўлсанг, ўша исмнинг охирига "алиф" ва касралик "нун" ёки юқориси фатҳалик бўлган "йо" ва касралик "нун" қўшиш билан ясайсан.

Сўзингдаги: رَجُلاَنِ وَرَجُلَيْنِ وَغُلاَمَانِ وَغُلاَمَينِ каби.

Таснияда алиф иккилик аломати, "йо" эса насб ва жар аломатидир.

Масалан: جَاءَنِي غُلاَمَانِ، هَذَانِ رَجُلاَنِ деб айтасан.

Худди муфрадда: جَاءَنِي غُلاَمٌ، هَذَا رَجُلٌ деб айтганинг каби.

Ва яна رَأَيْتُ غُلاَمَيْنِ деб айтасан худди муфрадда رَأَيْتُ غُلاَمًا деб айтганинг каби. وَمَرَرْتُ بِغُلاَمَيْنِ деб айтасан худди муфрадда مَرَرْتُ بِغُلاَمٍ деб айтганинг каби.

فصل

اَلْجَمْعُ عَلَى ضَرْبَيْنِ، جَمْعُ التَّكْسِيْرِ وَجَمْعُ التَّصْحِيحِ.

فَجَمْعُ التَّكْسِيْرِ: مَا تَكَسَّرَ فِيهِ نَظْمُ الوَاحِدِ، كَقَولِكَ: رِجَالٌ فِي جَمْعِ رَجُلٍ.

وَجَمْعُ التَّصْحِيحِ مَا سَلَمَ فِيْهِ نَظْمُ الوَاحِدِ، كَقَولِكَ: مُسْلِمُونَ فِي جَمْعِ مُسْلِمٍ.

ФАСЛ

Жамъ (кўплик) икки турлик бўлади.
1 "**Жамъут таксийр**" (синиқ кўплик).
2. "**Жамъут тасҳиҳ**" (соғлом кўплик).
Синиқ жамъ – бирлик кўринишидаги тартиб бузилиб, синганга айтилади.

Сўзингдаги رَجُل муфрад исмни رِجَال синиқ кўплигидир.

(Изоҳ: Муфрад исмни жамъга айлатиришда унинг боши ёки ўртасига бирор ҳарф кириб қолса ёки ундан бирор ҳарф тушиб қолса, демак у синган ҳисобланиб, уни “**жамъут таксийр**” (синиқ кўплик), дейилади.

Масалан: رَجُلٍ، رِجَالٌ – كِتَابٌ، كُتُبٌ каби.

Аммо сўзнинг охирига ҳарф қўшилиб, боши ва ўртасига ҳарф кириб ёки тушиб қолмаса уни “**жамъут тасҳиҳ**” (соғлом кўплик), дейилади.

Масалан: مُعَلِّمٌ، مُعَلِّمُونَ — مُعَلِّمَةٌ، مُعَلِّمَاتٌ каби).

فصل

كُلُّ اسْمٍ إِذَا جُمِعَ جَمْعَ السَّلاَمَةِ أُلْحِقَ بِآخِرِهِ وَاوٌ مَضْمُومٌ مَا قَبْلَهَا وَنُونٌ مَفْتُوحَةٌ أَوْ يَاءٌ مَكْسُورَةٌ مَا قَبْلَهَا وَنُونٌ مَفْتُوحَةٌ.

فَالْوَاوُ عَلاَمَةُ الرَّفْعِ فِي الْجَمْعِ، كَأَلِفٍ فِي التَّثْنِيَةِ، وَالْيَاءُ عَلاَمَةُ النَّصْبِ وَالْجَرِّ، تَقُولُ: جَاءَنِي مُسْلِمُونَ، وَرَأَيْتُ مُسْلِمِيْنَ وَمَرَرْتُ بِمُسْلِمِينَ.

وَهَذَا الْجَمْعُ يَخْتَصُّ بِالعُقَلاَءِ.

وَأَمَّا جَمْعُ التَّكْسِيْرِ فَيَكُونُ فِيْهِمْ وَفِي غَيْرِهِمْ.

ФАСЛ

Ҳар бир исмки, агар уни соғлом жамъга жамъ қилинса, унинг охирига юқориси заммалик бўлган “вов” ҳамда фатҳалик “нун” қўшилади. Ёки юқориси касралик бўлган “йо” ва фатҳалик “нун” қўшилади.

Худди тасния (иккилик)да “алиф” рафъ аломати бўлгани каби, жамъ музаккар солимда “вов” рафъ аломатидир. “Йо” эса насб ва жар аломатидир.

Масалан: جَاءَنِي مُسْلِمُونَ، رَأَيْتُ مُسْلِمِيْنَ، مَرَرْتُ بِمُسْلِمِينَ деб айтганинг каби.

Ушбу жамъ ақли бор кишиларга ишлатилади. Аммо жамъут таксийр (синиқ кўплик) эса оқил ва улардан бошқасида ҳам ишлатилаверади.

فِي الْمُذَكَّرِ

кўплик	**иккилик**	**бирлик**	**эъроби**
جَمْعُ الْمُذَكَّرِ	**التَّثْنِيَةُ**	**الْمُفْرَدُ**	**الإِعْرَابُ**
هَؤُلاَءِ مُسْلِمُونَ (و)	هَذَانِ مُسْلِمَانِ (ألف)	مُسْلِمٌ (الضَمَّةُ)	**مَرْفُوعٌ:** ←
رَأَيْتُ مُسْلِمِينَ (ي)	رَأَيْتُ مُسْلِمَيْنِ (ي)	مُسْلِمًا (الفَتْحَةُ)	**مَنْصُوبٌ:** ←
مَرَرْتُ بِمُسْلِمِينَ (ي)	مَرَرْتُ بِمُسْلِمَينِ (ي)	مُسْلِمٍ (الكَسْرَةُ)	**مَجْرُورٌ:** ←

فَصْل

كُلُّ جَمْعٍ عَلَى وَزْنِ أَفْعُلٍ كَأَفْلُسٍ، وَأَفْعَالٍ كَأَفْرَاخٍ، وَأَفْعِلَةٍ كَأَلْسِنَةٍ، وَفِعْلَةٍ كَعِلْمَةٍ فَهُوَ جَمْعُ قِلَّةٍ وَالْمُرَادُ بِجَمْعِ القِلَّةِ العَشَرَةُ وَمَا دُونَهَا.

ФАСЛ

Ҳар бир жамъки, أَفْلُسٍ га ўхшаш أَفْعُلٍ вазнида бўлса ёки أَفْرَاخٍ га ўхшаш أَفْعَالٍ вазнида бўлса أَلْسِنَةٍ га ўхшаш أَفْعِلَةٍ вазнида бўлса ёки عِلْمَةٍ га ўхшаш فِعْلَةٍ вазнида бўлса демак уни “**Жамъул қилла**”, деб номланади.

“Жамъул қилла” ўн ва ундан камда қўлланади.

فَصْل

جَمْعُ الْجَمْعِ لاَ يَصِحُّ إِلاَّ فِي جُمُوعِ القِلَّةِ، كَقَولِهِمْ: أَكْلُبٌ وَأَكَالِبُ، وَأَنْعَامٌ وَأَنَاعِيمُ وَأَسْوِرَةٌ وَأَسَاوِرَةٌ.

ФАСЛ

Жамъни жамъ қилиш фақат “жамъул қилла”да жоиз холос. Уларнинг сўзларидаги каби:

أَكْلُبٌ وَأَكَالِبُ، وَأَنْعَامٌ وَأَنَاعِيمُ، وَأَسْوِرَةٌ وَأَسَاوِرَةٌ каби.

فصل

يُقَالُ، مَا أَحْسَنَ رُؤوسَهُمَا، وَمَا أَعْظَمَ بُطُونَهُمَا عَلَى لَفْظِ الْجَمْعِ، وَالْمُرَادُ: رَأْسَيهُمَا وَبَطْنَيهُمَا. وَفِي الْقُرْآنِ: «فَقَدْ صَغَتْ قُلُوبُكُمَا أيْ قَلْبَيكُمَا». وَإِنَّمَا يَجُوزُ ذَلِكَ فِي الأَشْيَاءِ الْمُتَّصِلَةِ دُونَ الْمُنْفَصِلَةِ. فَأَمَّا فِي الْمُنْفَصِلَةِ فَإِنَّكَ تَقُولُ: مَا أَحْسَنَ فَرَسَيْهُمَا وَدَارَيْهُمَا.

ФАСЛ

مَا أَحْسَنَ رُؤوسَهُمَا، وَمَا أَعْظَمَ بُطُونَهُمَا деб жамъ лафзида айтилинади. Бундан мақсад “у икковларининг бошлари” эмас балки “у икковларининг боши”дир. Қуръони каримда: “**Агар икковингиз Аллоҳга тавба қилсангиз, батаҳқиқ, қалбларингиз** (ҳаққа) **мойил бўлур**” (Таҳрим-4), бўлиб келган. Бу нарсалар (инсонга) боғланиб ва ёпишиб келган нарсаларда жоиздир аммо ажраб, бошқа бўлиб келган нарсаларда ундоқ эмас.

Энди ажраб келган нарсаларда: مَا أَحْسَنَ فَرَسَيْهُمَا وَدَارَيْهُمَا бўлиб келади.

فَصْل

اَلْجَمْعُ الَّذِي بَيْنَهُ وَبَيْنَ وَاحِدِهِ يُفْرَقُ بِالتَّاءِ، كَنَخْلَةٍ وَنَخْلٍ، وَتَمْرَةٍ وَتَمْرٍ، وَصَخْرَةٍ وَصَخْرٍ وَبِطِّيْخَةٍ وَبِطِّيْخٍ، وَهَذَا الْجَمْعُ يَخْتَصُّ بِالأَشْيَاءِ الْمَخْلُوقَةِ دُونَ الْمَصْنُوعَةِ.

ФАСЛ

Жамъ (кўплик) билан муфрад (бирлик) орасини гоҳида “тои таънис” ажратиб туради.

Масалан: نَخْلَةٍ وَنَخْلٍ، وَتَمْرَةٍ وَتَمْرٍ، وَصَخْرَةٍ وَصَخْرٍ وَبِطِّيْخَةٍ وَبِطِّيْخٍ каби.

Ушбу жамъ халқ қилинган нарсаларга хос бўлиб, ишлаб чиқарилган нарсаларга эмас.

فَصْل

الإِسْمُ الَّذِي كَانَ فِي آخِرِهِ يَاءٌ مَكْسُورٌ مَا قَبْلَهَا، كَقَاضٍ وَغَازٍ إِذَا جُمِعَ جَمْعَ السَّلاَمَةِ حُذِفَ يَائُهُ وَضُمَّ مَا قَبْلَهَا فِي حَالِ الرَّفْعِ وَكُسِرَ مَا قَبْلَهَا فِي حَالِ النَّصْبِ وَالْجَرِّ. فَقِيلَ: هُمْ قَاضُونَ وَغَازُونَ، وَرَأَيْتُ قَاضِينَ وَغَازِينَ، وَمَرَرْتُ بِقَاضِينَ وَغَازِينَ وَكَذَلِكَ: الْمُصْطَفُونَ وَالْمُرْتَضُونَ وَالْمُصْطَفِيْنَ وَالْمُرْتَضِينَ، وَمَا أَشْبَهَ ذَلِكَ.

ФАСЛ

Бир исмки, охирида “йо” ҳарфи бўлиб, ундан олдинги ҳаракат касра бўлса قَاضٍ وَغَازٍ каби, ана шу исмни соғлом жамъ билан жамъ қилинса “йо”си ҳазф қилиниб, (тушурилиб) рафъ ҳолатида ундан олдинга замма қўйилади аммо насб

ва жар ҳолатида касра қўйилади. Масалан:

هُمْ قَاضُونَ وَغَازُونَ، وَرَأَيْتُ قَاضِينَ وَغَازِينَ، وَمَرَرْتُ بِقَاضِينَ وَغَازِينَ

Шунингдек: الْمُصْطَفُونَ وَالْمُرْتَضُونَ وَالْمُصْطَفِيْنَ وَالْمُرْتَضِينَ га ўхшашлар.

الإعْرَابُ	الجمع	علامته
مَرْفُوعٌ: ←	هُمْ قَاضُونَ	مَا قَبلَهَا الضَّمَّةُ
مَنْصُوبٌ: ←	وَرَأَيْتُ قَاضِينَ	مَا قَبْلَهَا الْكَسْرَةُ
مَجْرُورٌ: ←	وَمَرَرْتُ بِقَاضِينَ	مَا قَبْلَهَا الْكَسْرَةُ

فَصْلٌ

الإِسْمُ الَّذِي كَانَ فِي آخِرِهِ أَلِفٌ مَقْصُورَةٌ إِذَا جُمِعَ جَمْعَ السَّلاَمَةِ يُحْذَفُ أَلِفُهُ وَيُفْتَحُ مَا قَبْلَ الوَاوِ وَالْيَاءِ جَمِيعًا كَقَولِهِمْ: هُمْ أَعْلَونَ، وَرَأَيْتُ أَعْلَيْنَ، وَمَرَرْتُ بِأَعْلَيْنَ، وَكَذَلِكَ: الْمُصْطَفَونَ، وَالْمُرْتَضَونَ، وَالْمُصْطَفَيْنَ، وَالْمُرْتَضَيْنَ، وَمَا أَشْبَهَ ذَلِكَ.

ФАСЛ

Охирида алифи мақсура бўлган исмни агар соғлом жамъга жамъ қилинса унинг алифи ҳазф қилинадида, “вов” ва “йо”нинг олди фатҳа қилинади. Уларнинг сўзларидаги: هُمْ أَعْلَونَ، وَرَأَيْتُ أَعْلَيْنَ، وَمَرَرْتُ بِأَعْلَيْنَ каби.

Шунингдек: الْمُصْطَفَونَ، وَالْمُرْتَضَونَ، وَالْمُصْطَفَيْنَ، وَالْمُرْتَضَيْنَ каби.

فَصْل

الإِضَافَةُ أَنْ تَجْمَعَ بَيْنَ الإسْمَيْنِ، فَتَجُرَّ الثَّانِي مِنْهُمَا بِالأَوَّلِ وَتُسْقِطَ التَّنْوِيْنَ مِنَ الأَوَّلِ، كَقَولِكَ: غُلاَمُ زَيْدٍ، وَدَارُ خَالِدٍ، وَثَوْبُ بَكْرٍ. يُسَمَّى الأَوَّلُ مُضَافًا، وَالثَّانِي مُضَافًا إِلَيْهِ. وَمِنْ حَقِّ الأَوَّلِ أَنْ يَجْرِيَ بِوُجُوهِ الإِعْرَابِ فَيَكُونُ مَرْفُوعًا وَمَنْصُوبًا وَمَجْرُورًا. وَمِنْ حَقِّ الثَّانِي أَنْ يَكُونَ مَجْرُورًا أَبَدًا، تَقُولُ: جَاءَنِي غُلاَمُ زَيْدٍ وَرَأَيْتُ غُلاَمَ زَيْدٍ وَمَرَرْتُ بِغُلاَمِ زيدٍ. وَلاَ يَجُوزُ أَنْ تَدْخُلَ الأَلِفُ وَاللاَّمُ عَلَى الْمُضَافِ وَيَجُوزُ دُخُولُهُمَا عَلَى الْمُضَافِ إِلَيهِ، تَقُولُ: ثَوْبُ الرَّجُلِ وَثَوبُ رَجُلٍ، وَلاَ يَجُوزُ الثَّوبُ الرَّجُلِ وَلاَ الثَّوبُ رَجُلٍ.

ФАСЛ

Икки исмнинг орасини жамлаб, қўшишни **“изофа”**, дейилади. Унинг иккинчи қисмини аввалгиси сабабли жар қиласан. Ва аввалгисидан танвинни тушириб юборасан.

Сўзингдаги: غُلاَمُ زَيْدٍ، وَدَارُ خَالِدٍ، وَثَوْبُ بَكْرٍ каби. Буларнинг аввалгисини “**музоф**” ва иккинчисини “**музофун илайҳ**”, деб номланади. Аввалгиси яъни, музоф эъробнинг (барча) кўринишлари бўлмиш марфуъ, мансуб ва мажрурда бўлишга ҳақлидир.

Иккинчиси бўлмиш музофун илайҳ эса абадий жар ҳолатидадир. جَاءَنِي غُلاَمُ زَيْدٍ وَرَأَيْتُ غُلاَمَ زَيْدٍ وَمَرَرْتُ بِغُلاَمِ زيدٍ каби. Энди маърифанинг “алиф ломи”ни музофга киритиш жоиз эмас. Аммо музофун илайҳга эса жоиздир.

Масалан: ثَوْبُ الرَّجُلِ وَثَوبُ رَجُلٍ деб айта оласан.

Аммо الثَّوبُ الرَّجُلِ، الثَّوبُ رَجُلٍ деб айтишинг жоиз эмас.

فَصْل

فَإِنْ أَضَفْتَ الإسْمَ الْمُثَنَّى إِلَى وَاحِدٍ فَاحْذِفِ النُّونَ، فَقُلْ: جَاءَنِي غُلاَمَا رَجُلٍ فِي حَالِ الرَّفْعِ، وَرَأَيْتُ غُلاَمَي رَجُلٍ فِي حَالِ النَّصْبِ، وَمَرَرْتُ بِغُلاَمَي رَجُلٍ فِي حَالِ الْجَرِّ. وَإِنْ أَضَفْتَهُ إِلَى مَا فِيهِ الأَلِفُ وَاللاَّمُ فَقُلْ: جَاءَنِي غُلاَمَا الرَّجُلِ بِحَذْفِ أَلِفِ التَّثْنِيَةِ فِي اللَّفْظِ وَإِثْبَاتِهَا فِي الْخَطِّ، وَرَأَيْتُ غُلاَمَيِ الرَّجُلِ وَمَرَرْتُ بِغُلاَمَيِ الرَّجُلِ بِكَسْرِ الْيَاءِ.

وَإِنْ أَضَفْتَ الإسْمَ الْمُثَنَّى إِلَى الْمُثَنَّى فَاحْذِفِ النُّونَ أَيْضًا فَقُلْ: جَاءَنِي غُلاَمَا رَجُلَيْنِ، وَرَأَيْتُ غُلاَمَي رَجُلَيْنِ، وَمَرَرْتُ بِغُلاَمَيْ رَجُلَيْنِ، وَكَذَلِكَ الْمَعْرِفَةُ عَلَى القِيَاسِ الْمَذْكُورِ. وَإِنْ أَضَفْتَ الإسْمَ الْمَجْمُوعَ فَاحْذِفِ النُّونَ أَيْضًا فَقُلْ: جَاءَنِي صَالِحُو قَومِكَ، وَرَأَيْتُ صَالِحِي قَومِكَ، وَمَرَرْتُ بِصَالِحِي قَومِكَ. وَإِنْ أَضَفْتَهُ إِلَى مَا فِيْهِ الأَلِفُ وَاللاَّمُ فَاحْذِفِ الوَاوَ وَالنُّونَ جَمِيعًا فِي اللَّفْظِ فَقُلْ: جَاءَنِي صَالِحُو القَوْمِ بإِثْبَاتِ الوَاوِ فِي الْخَطِّ وَإِسْقَاطِهَا فِي اللَّفْظِ. وَكَذَلِكَ الْيَاءُ وَالنُّونُ جَمِيْعًا فِي اللَّفْظِ، تَقُولُ: رَأَيْتُ صَالِحِي القَوْمِ، وَمَرَرْتُ بِصَالِحِي القَوْمِ، بِإِثْبَاتِ اليَاءِ فِي الْخَطِّ.

ФАСЛ

Агар тасния исмни муфрад исмга изофа қилсанг “нун”ни ҳазф қиласан. Рафъ ҳолатида جَاءَنِي غُلاَمَا رَجُلٍ деб айт. Насб ҳолатида وَرَأَيْتُ غُلاَمَي رَجُلٍ деб айт. Жар ҳолатида وَمَرَرْتُ بِغُلاَمَي رَجُلٍ деб айт. Агар “алиф лом”лик нарсага изофа қилсанг جَاءَنِي غُلاَمَا الرَّجُلِ

деб, тасниядаги алифни лафзда ҳазф қилгин аммо ёзувда қолдиргин. Аммо رَأَيْتُ غُلاَمَيِ الرَّجُلِ، وَمَرَرْتُ بِغُلاَمَيِ الرَّجُلِ да эса “йо”ни касра билан ўқигин.

Агар тасния исмни тасния исмга изофа қилсанг нунни ҳам ҳазф қилиб, тушириб юборгин.

جَاءَنِي غُلاَمَا رَجُلَيْنِ، وَرَأَيْتُ غُلاَمَي رَجُلَيْنِ، وَمَرَرْتُ بِغُلاَمَيْ رَجُلَيْنِ деб айт. Шунингдек “ал” маърифа ҳам ана шу қиёсдек бўлсин.

Агар жамъ исмни изофа қилсанг унда ҳам нунни ҳазф қилиб, тушуриб юборгин.

جَاءَنِي صَالِحُو قَومِكَ، وَرَأَيْتُ صَالِحِي قَومِكَ، وَمَرَرْتُ بِصَالِحِي قَومِكَ каби. Агар “алиф лом”и бор нарсага изофа қилсанг “вов” ва “нун”ни лафзда тушириб юбор. جَاءَنِي صَالِحُو القَوْمِ каби. Бу ерда “вов” ёзувда собит қолгани билан лафзда тушиб кетади. Шунингдек “йо” ва “нун” ҳам ёзувда собит қолгани билан лафзда тушиб кетади.

رَأَيْتُ صَالِحِي القَوْمِ، وَمَرَرْتُ بِصَالِحِي القَوْمِ каби.

فَصْل

إِذَا أَنَّثْتَ الإسْمَ فَالْحِقْ بِآخِرِهِ تَاءً مَفْتُوحًا مَا قَبْلَهَا كَقَولِكَ: فِي صَالِحٍ صَالِحَةٌ، وَفِي مُسْلِمٍ مُسْلِمَةٌ. وَتَاءُ التَّأْنِيثِ يُعْرَفُ بِشَيْئَيْنِ: أَحَدُهُمَا أَنْ يَكُونَ مَا قَبْلَهَا مَفْتُوحًا وَالثَّانِي أَنْ يَنْقَلِبَ تَائُهُ هَاءً فِي الوَقْفِ، كَقَولِكَ: فِي مُسْلِمَةٍ مُسْلِمَه وَفِي صَالِحَةٍ صَالِحَه.

ФАСЛ

Қачон исмни муаннас қилсанг охирига олди фатҳали бўлган муаннас “те” яъни “тои марбута”ни улайсан. صَالِحٌ، صَالِحَةٌ – مُسْلِمٌ، مُسْلِمَةٌ каби.

Муаннаснинг “те”си икки нарса билан танилади. Бири, ўша “те”дан олдин фатҳа бўлиши, иккинчиси, ўша “те” ҳарфи “ҳе” ҳарфига айланиши.

Сўзингдаги: مُسْلِمَةٌ، مُسْلِمَه – صَالِحَةٌ، صَالِحَه каби.

فَصْل

تَأنِيْثُ العَدَدِ مِنَ الثَّلاَثَةِ إِلَى العَشَرَةِ يُخَالِفُ تَأْنِيثَ الأَسْمَاءِ كُلِّهَا، تَقُولُ: ثَلاَثُ نِسْوَةٍ وَأَرْبَعُ نِسْوَةٍ إِلَى قَوْلِكَ عَشَرَ نِسْوَةٍ. فَتَطْرُحُ تَاءَ التَّأْنِيثِ مِنَ الْمُؤَنَّثِ وَهِيَ ثَابِتَةٌ فِي الْمُذَكَّرِ، تَقُولُ: ثَلاَثَةُ رِجَالٍ، وَأَرْبَعَةُ رِجَالٍ إِلَى قَولِكَ عَشَرَةُ رِجَالٍ، وَإِذَا جَاوَزْتَ العَشَرَةَ، فَقُلْتَ فِي الْمُؤَنَّثِ: إِحْدَى عَشْرَةَ امْرَأَةً، وَثِنْتَا عَشْرَةَ امْرَأَةً إِلَى قَولِكَ: تِسْعَ عَشْرَةَ امْرَأَةً بِحَذْفِ التَّاءِ مِنَ الأَوَّلِ وَاثْبَاتِهَا فِي الثَّانِي. وَقَالُوا فِي الْمُذَكَّرِ: أَحَدَ عَشَرَ رَجُلاً، وَاثْنَا عَشَرَ رَجُلاً، وَثَلاَثَةَ عَشَرَ رَجُلاً إِلى تِسْعَةَ عَشَرَ رَجُلاً باثْبَاتِ التَّاءِ فِي الأَوَّلِ وَحَذْفِهَا فِي الثَّانِي، وَقَالُوا: الأَوَّلُ وَالأُولَى، وَالثَّانِي وَالثَّانِيَةُ، وَالثَّالِثُ وَالثَّالِثَةُ وَكَذَا العَاشِرُ وَالعَاشِرَةُ، فَعَادُوا إِلَى أَصْلِ القِيَاسِ وَالْحَادِي عَشَرَ وَالْحَادِيَةُ عَشَرَةَ وَالثَّانِي عَشَرَ وَالثَّانِيَةُ عَشَرَةَ وَالثَّالِثُ عَشَرَ وَالثَّالِثَةُ عَشَرَةَ إِلَى قَولِكَ التَّاسِعَ عَشَرَ وَالتَّاسِعَةُ عَشَرَةَ باسْقَاطِ التَّاءِ فِي الْمُذَكَّرِ وَاثْبَاتِهَا فِي الْمُؤَنَّثِ عَلَى مَا هُوَ الأَصْلُ.

ФАСЛ

Учдан ўнгача бўлган муаннас сон исмдаги муаннасларнинг барчасида хилоф бўлади. Масалан: ثَلاَثُ نِسْوَةٍ وَأَرْبَعُ نِسْوَةٍ деб то ўнгача عَشَرَ نِسْوَةٍ деб айтасан. Муаннасда муаннас “те”сини ташлаб, музаккарда собит қолади. Масалан: ثَلاَثَةُ رِجَالٍ، وَأَرْبَعَةُ رِجَالٍ то ўнгача عَشَرَةُ رِجَالٍ деб айтасан. Қачон ўндан ўтсанг муаннасда: إِحْدَى عَشْرَةَ امْرَأَةً، وَثِنْتَا عَشْرَةَ امْرَأَةً то ўн тўққизгача تِسْعَ عَشْرَةَ امْرَأَةً деб айтиб, аввалгисидан “те” ҳарфини тушириб юборасан. Иккинчисида “те”ни қолдирасан. Музаккарда қуйидагича бўлади:

أَحَدَ عَشَرَ رَجُلاً، وَاثْنَا عَشَرَ رَجُلاً، وَثَلاَثَةَ عَشَرَ رَجُلاً إِلى تِسْعَةَ عَشَرَ رَجُلاً

Бунда аввалгисида “те” ҳарфини қолдирасан, иккинчисида тушурасан.

الْعَاشِرُ وَالعَاشِرَةُ гача асли қиёсга الأَوَّلُ وَالأُولَى، وَالثَّانِي وَالثَّانِيَةُ، وَالثَّالِثُ وَالثَّالِثَةُ то қайтадилар.

الْحَادِي عَشَرَ وَالْحَادِيَةُ عَشَرَةَ، وَالثَّانِي عَشَرَ وَالثَّانِيَةُ عَشَرَةَ، وَالثَّالِثُ عَشَرَ وَالثَّالِثَةُ عَشَرَةَ، то التَّاسِعَ عَشَرَ وَالتَّاسِعَةُ عَشَرَةَ деб ўн бирдан то ўн тўққизгача музаккарда “те” тушурилади. Аслига мувофиқ муаннасда қолдирилади.

فصل

مِنَ الأَسْمَاءِ الْمُؤَنَّثَةِ مَالاَ يَظْهَرُ فِيهِ عَلاَمَةُ التَّأْنِيثِ كَالعَيْنِ وَالنَّفْسُ وَالْكِبْدُ وَالْكِرْشُ وَالسَّاقُ وَالقَدَمُ وَالْيَدُ وَالرِّجْلُ وَالْكَفُّ وَالْفَخِذُ وَالسِّنُّ وَالقِدْرُ وَالْقَوسُ وَالبَغْلُ وَالنَّارُ وَالدَّارُ وَالْبِئْرُ وَالفَرَسُ وَالإِبْلُ وَالغَنَمُ وَالْخَيْلُ وَالْبَعِيْرُ وَالْكَأْسُ وَالشَّمْسُ وَالرِّيْحُ وَأَسْمَائُهَا وَالسَّمَاءُ وَالأَرْضُ وَالعَقْرَبُ وَالأَرْنَبُ وَاليَمِينُ وَالذِّرَاعُ وَالْكِرَاعُ وَالقَدُومُ وَالعُقَابُ وَالْجَزُورُ وَمُوسَى الْحَدِيدِ وَمِمَّا يَجُوزُ تَذْكِيْرُهُ وَتَأْنِيثُهُ الْهُدَى وَالقِفَا وَالْمَتِينُ وَالْعُنُقُ وَالسُّلَّمُ وَدَرْعُ الْحَدِيدِ وَالسُّوقُ وَاللِّسَانُ وَالسُّلْطَانُ وَالصِّرَاطُ وَالسَّبِيلُ وَالطَّرِيقُ وَالذَّنُوبُ وَالسِّلاَحُ وَالْمَنُونُ وَالقَومُ وَالْحَرْبُ وَالطَّاغُوتُ.

ФАСЛ

Шундай муаннас исмлар борки, уларда муаннаслик аломатлари кўринмайди. (Лекин уни муаннас, деб ҳукм қилинади). Ўша исмлар қуйидагичадир:

العَيْنُ، النَّفْسُ، الْكِبْدُ، الْكِرْشُ، السَّاقُ، القَدَمُ، الْيَدُ، الرِّجْلُ، الْكَفُّ، الْفَخِذُ، السِّنُّ، القِدْرُ، الْقَوسُ، البَغْلُ، النَّارُ، الدَّارُ، الْبِئْرُ، الفَرَسُ، الإِبْلُ، الغَنَمُ، الْخَيْلُ، الْبَعِيْرُ، الْكَأْسُ، الشَّمْسُ، الرِّيْحُ، أَسْمَائُهَا، السَّمَاءُ، الأَرْضُ، العَقْرَبُ، الأَرْنَبُ، اليَمِينُ، الذِّرَاعُ، الْكِرَاعُ،

القَدُومُ، العُقَابُ، الْجَزُورُ، مُوسَى الْحَدِيدِ.

Энди музаккар ва муаннас қилиб ўқиш жоиз бўлган исмлар қуйидагичадир:

الْهُدَى، القِفَا، الْمَتِينُ، الْعُنُقُ، السُّلَّمُ، دَرْعُ الْحَدِيدِ، السُّوقُ، اللّسَانُ، السُّلْطَانُ، الصِّرَاطُ، السَّبِيلُ، الطَّرِيقُ، الذَّنُوبُ، السِّلاَحُ، الْمَنُونُ، القَومُ، الْحَرْبُ، الطَّاغُوتُ.

(Изоҳ: "ан-Найм" арабча-ўзбекча луғат китоби охиридаги 956-саҳифада музаккар кўринишли муаннас сўзлардан 41 таси ёзилган. 957-саҳифада эса музаккар ҳамда муаннасда бир хил қўлланадиган сўзлардан 38 таси ёзилган).

فصل

إِذَا جَمَعْتَ الْمُؤَنَّثَ جَمْعَ السَّلاَمَةِ فَالْحِقْ بِآخِرِهِ أَلِفًا وَتَاءً، كَقَولِكَ: مُسْلِمَاتٌ وَصَالِحَاتٌ وَهَذِهِ التَّاءُ مَرْفُوعَةٌ فِي حَالِ الرَّفْعِ وَمَجْرُورَةٌ فِي حَالِ النَّصْبِ وَالْجَرِّ، تَقُولُ: جَاءَنِي مُسْلِمَاتٌ وَرَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ وَمَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ.

ФАСЛ

Қачон муаннас жамъни соғлом жамъга ўгирсанг охирига алиф ва то (ات) ҳарфларини улагин. Сўзингдаги: مُسْلِمَاتٌ، صَالِحَاتٌ каби.

Ана шу "то" ҳарфи рафъ ҳолатида марфуъ бўлади. Насб ва жар ҳолатида эса мажрур бўлади.

Масалан: جَاءَنِي مُسْلِمَاتٌ، رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ، مَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ каби.

فِي الْمُؤَنَّثِ

الإعْرَابُ	مُفْرَدٌ	تَثْنِيَةٌ	جَمْعُ الْمُؤنَّثِ
مَرْفُوعٌ: ←	هَذِهِ مُسْلِمَةٌ (الضَمَّةُ)	هَاتَانِ مُسْلِمَتَانِ (ألف)	هَؤُلاَءِ مُسْلِمَاتٌ (الضَمَّةُ)
مَنْصُوبٌ: ←	رَأَيْتُ مُسْلِمَةً (الفَتْحَةُ)	رَأَيْتُ مُسْلِمَتَيْنِ (ي)	رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ (الكَسْرَةُ)
مَجْرُورٌ: ←	مَرَرْتُ مُسْلِمَةٍ (الكَسْرَةُ)	مَرَرْتُ بِمُسْلِمَتَينِ (ي)	مَرَرْتُ مُسْلِمَاتٍ (الكَسْرَةُ)

فصل

إِذَا كَانَتْ فَعْلَةٌ اِسْمًا غَيْرَ صِفَةٍ حُرِّكَتْ عَيْنُهَا فِي الْجَمْعِ بِالأَلِفِ وَالتَّاءِ، كَقَولِكَ: تَمْرَةٌ وَتَمَرَاتٌ وَرَكْعَةٌ وَرَكَعَاتٌ. وَإِذَا كَانَتْ صِفَةً كَضَخْمَةٍ وَعَيلَةٍ تُرِكَتِ الْعَيْنُ سَاكِنَةً، كَقَولِكَ: عَيْلاَتٌ وَضَخْمَاتٌ، وَكَذَلِكَ إِذَا كَانَتِ العَيْنُ حَرْفًا مُعْتَلاًّ كَبَيضَةٍ وَجوزَةٍ، تَقُولُ: بَيْضَاتٌ وَجوزَاتٌ، لاَ فَرْقَ بَيْنَ الإِسْمِ كَبَيْضَةٍ وَبَيْنَ الصِّفَةِ كَعَيْلَةٍ.

ФАСЛ

Қачон, сифат бўлмаган فَعْلَةٌ вазнидаги исмни жамъ қилсанг فَعَلَ нинг “ъайн”даги ҳаракатни фатҳа қилиб, “ات” қўшасан.

Сўзингдаги تَمْرَةٌ وَتَمَرَاتٌ، رَكْعَةٌ وَرَكَعَاتٌ каби.

Қачон ضَخْمَةٍ وَعَيلَةٍ каби сифатни жамъ қилсанг فَعَلَ нинг “ъайн”даги ҳаракатни сукунлигича қолдирасан. Сўзингдаги عَيْلاَتٌ وَضَخْمَاتٌ каби. Шунингдек فَعَلَ нинг “ъайн”идаги ҳарф иллатлик бўлса بَيضَةٍ، جَوزَةٍ каби исмда بَيْضَاتٌ وَجوزَاتٌ бўлади. Бунда بَيضَةٍ каби исм билан عَيْلَةٍ каби сифатнинг орасида фарқ йўқ.

فصل

كُلُّ جَمْعٍ مُكَسَّرٍ يَجُوزُ تَذْكِيرُهُ وَتَأْنِيثُهُ سَوَاءٌ كَانَ جَمْعًا مُذَكَّرًا أَوْ جَمْعًا مُؤَنَّثًا إِذَا كَانَ الفِعْلُ مُقَدَّمًا عَلَيهِ تَقُولُ: جَاءَ الرِّجَالُ وَجَاءَ النِّسَاءُ وَجَاءَتِ الرِّجَالُ وَجَاءَتِ النِّسَاءُ.

ФАСЛ

Ҳар бир синиқ жамъ борки, уни музаккар қилиш ҳам муаннас қилиш ҳам баробардир агар феъл ундан олдин келса.

Масалан: جَاءَ الرِّجَالُ وَجَاءَ النِّسَاءُ وَجَاءَتِ الرِّجَالُ وَجَاءَتِ النِّسَاءُ деб айтасан.

فصل

إِذَا ذَكَرْتَ اسْمَيْنِ مَرْفُوعَيْنِ فَالأَوَّلُ مِنْهَا مَعْرِفَةً وَالثَّانِي نَكْرَةً، وَالنَّكْرَةُ حَدِيثٌ عَنِ الْمَعْرِفَةِ، كَقَولِكَ: زَيْدٌ ذَاهِبٌ وَعَمْرٌ خَارِجٌ يُسَمَّى الأَوَّلُ مُبْتَدَأً وَالثَّانِي خَبَرًا.

ФАСЛ

Қачон икки марфуъ исмни зикр қилсанг, улардан аввалгиси маърифа ва иккинчиси накра бўлса ҳамда накра маърифа ҳақида гапирса буни аввалгисини **“мубтадо”**, иккинчисини **“хабар”**, деб номланади.

Сўзингдаги: زَيْدٌ ذَاهِبٌ وَعَمْرٌ خَارِجٌ каби.

فصل

الصِّفَةُ مِثْلُ الْمَوصُوفِ فِي التَّذْكِيرِ وَالتَّأْنِيثِ والإِفْرَادِ وَالتَّثْنِيَةِ وَالْجَمْعِ وَالتَّعْرِيفِ وَالتَّنْكِيْرِ وَالإِعْرَابِ الثُّلُثِ، تَقُولُ: جَاءَنِي رَجُلٌ صَالِحٌ، وَرَجُلاَنِ صَالِحَانِ، وَرِجَالٌ صَالِحُونَ، وَجَاءَتْنِي اِمْرَأَةٌ صَالِحَةٌ وَامْرَأَتَانِ صَالِحَتَانِ، وَنِسَاءٌ صَالِحَاتٌ وَالرَّجُلُ الصَّالِحُ وَالاِمْرَأَةُ الصَّالِحَةُ، وَجَاءَنِي رَجُلٌ صَالِحٌ وَرَأَيْتُ رَجُلاً صَالِحًا وَمَرَرْتُ بِرَجُلٍ صَالِحٍ، وَتَقُولُ: يَا اِبْنَ زَيْدِ الكَرِيْمِ، إِنْ جَعَلْتَ الكَرِيْمَ صِفَةً لابْنٍ نَصَبْتَهُ، وَإِنْ جَعَلْتَهُ صِفَةً لِزَيْدٍ جَرَّرْتَهُ، وَكَذَلِكَ هَذَا أَبُو عَبْدِ اللهِ الكَرِيْمُ تَرْفَعُهُ، لأَنَّكَ جَعَلْتَهُ صِفَةً للأَبِ لاَ لِعَبْدِ اللهِ، وَعَلَى هَذَا الْقِيَاسِ أَبَدًا فَيَجِبُ أَنْ يَجْرِيَ عَلَى وُجُوهِ إِعْرَابِ الإِسْمِ الَّذِي جَعَلْتَهُ صِفَةً لَهُ.

ФАСЛ

Сифат мавсуф кабидир музаккар ва муаннасда, муфрад, тасния ва жамъда, маърифа ва накрада ҳамда уч эъроб яъни рафъ, насб ва жарда. Масалан:

جَاءَنِي رَجُلٌ صَالِحٌ، وَرَجُلاَنِ صَالِحَانِ، وَرِجَالٌ صَالِحُونَ، وَجَاءَتْنِي اِمْرَأَةٌ صَالِحَةٌ وَامْرَأَتَانِ صَالِحَتَانِ، وَنِسَاءٌ صَالِحَاتٌ، وَالرَّجُلُ الصَّالِحُ وَالاِمْرَأَةُ الصَّالِحَةُ، وَجَاءَنِي رَجُلٌ صَالِحٌ وَرَأَيْتُ رَجُلاً صَالِحًا وَمَرَرْتُ بِرَجُلٍ صَالِحٍ

Масалан: يَا اِبْنَ زَيْدِ الكَرِيْمِ сўзида الكَرِيْمِ сўзини اِبْن сўзига сифат қилсанг насб қиласан. Агар уни زَيْد сўзига сифат қилсанг жар қиласан.

هَذَا أَبُو عَبْدِ اللهِ الكَرِيْمُ уни рафъ қилдинг. Чунки сен бунда عَبْدُ اللهِ га эмас балки أَبُو га сифат қилгансан. Абадий мана шу қиёсга мувофиқ бўлганидан исм эъробининг кўринишини сифат бўлганга ҳам қўясан.

(Изоҳ: Сифат мавсуф билан тўрт нарсада мослашади.

1. **Ададда:** яъни, мавсуф муфрад бўлса сифат ҳам муфрад бўлади. Мавсуф тасния бўлса сифат ҳам тасния бўлади. Мавсуф жамъ бўлса сифат ҳам жамъ бўлади.

Масалан: رَجُلٌ صَالِحٌ، رَجُلاَنِ صَالِحَانِ، رِجَالٌ صَالِحُونَ каби.

2. **Жинсда:** яъни мавсуф музаккар бўлса сифат ҳам музаккар бўлади. Агар мавсуф муаннас бўлса сифат ҳам муаннас бўлади.

Масалан: رَجُلٌ صَالِحٌ، اِمْرَأَةٌ صَالِحَةٌ каби.

3. **Ҳолатда:** яъни мавсуф маърифа бўлса сифат ҳам маърифа бўлади. Агар мавсуф накра бўлса сифат ҳам накра бўлади. Масалан:

رَجُلٌ صَالِحٌ، اِمْرَأَةٌ صَالِحَةٌ – الرَّجُلُ الصَّالِحُ، الاِمْرَأَةُ الصَّالِحَةُ каби.

4. **Эъробда:** яъни, мавсуф марфуъ бўлса сифат ҳам марфуъ бўлади. Агар мавсуф мансуб бўлса сифат ҳам мансуб бўлади. Агар мавсуф мажрур бўлса сифат ҳам мажрур бўлади.

Масалан: هَذَا رَجُلٌ صَالِحٌ، رَأَيْتُ رَجُلاً صَالِحًا، مَرَرْتُ بِرَجُلٍ صَالِحٍ каби).

فصل

إِذَا كَانَ فِي آخِرِ الإِسْمِ أَلِفٌ مَقْصُورَةٌ كَحُبْلَى وَبُشْرَى وَالْعَصَى وَالرَّحَى يُسَمَّى مَقْصُورًا، وَإِنْ كَانَ بَعْدَ الأَلِفِ وَالْهَمْزَةِ كَصَحْرَاءَ وَحَمْرَاءَ يُسَمَّى مَمْدُودًا.

ФАСЛ

Қачон исмнинг охирида حُبْلَى، بُشْرَى، عَصَى، رَحَى каби алифи мақсура бўлса уни “**Мақсур**”, деб номланади.

Агар алифдан кейин ҳамза келса حَمْرَاء، صَحْرَاء каби уни “**Мамдуд**”, деб номланади.

الْمَقْصُورُ (ألف لازمة)	الْحَالَةُ الإِعْرَابِيَّةِ

مَرْفُوعٌ: ←	هَذَا العَصَى (الضَّمَّةُ الْمُقَدَّرَةُ)
مَنْصُوبٌ: ←	رَأَيْتُ العَصَى (الفَتْحَةُ الْمُقَدَّرَةُ)
مَجْرُور: ←	مَرَرْتُ بِالعَصَى (الكَسْرَةُ الْمُقَدَّرَةُ)

فصل

الإِسْمُ العَلَمُ وَهُوَ الَّذِي لاَ يَدْخُلُهُ الأَلِفُ وَاللاَّمُ كَزَيدٍ وَعَمْرٍو وَهِنْدٍ وَرَعْدٍ وَأَكْثَرُ اسْمَاءَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ فَإِنَّهُ إِذَا ثُنِّيَ أَوْ جُمِعَ جَمْعَ السَّلاَمَةِ دَخلَهُ الأَلِفُ وَاللاَّمُ عِنْدَ التَّعْرِيفِ، كَقَولِكَ: الزَّيْدَانِ وَالزَّيْدُونَ وَالْهِنْدَانِ وَالْهِنْدَاتِ.

ФАСЛ

Алам шундай исмки, унга “алиф ва лом” кирмайди. زَيدٍ، عَمْرٍو، هِنْدٍ، رَعْدٍ каби. Кўпгина эркак ва аёлларнинг исмларини тасния ва жамъ қилинса унга маърифа пайтида алиф ва лом киради.

Сўзингдаги: الزَّيْدَانِ، الزَّيْدُونَ — الْهِنْدَانِ، الْهِنْدَاتِ каби.

فصل: إِذَا نَسَبْتَ الإِسْمَ إِلَى شَيءٍ زِدْتَ فِي آخِرِهِ يَاءً مُشَدَّدَةً مَكْسُورًا مَا قَبْلَهَا، كَقَولِكَ: بِالنِّسْبَةِ إِلَى البَلَدِ بَلَدِيٌّ، وَإِلَى الْمِصْرِ مِصْرِيٌّ، وَيَجِبُ أَنْ تُسْقِطَ تَاءَ التَّأْنِيثِ عَنْ مِثْلِ البَصْرَةِ وَالْكُوفَةِ، إِذَا نَسَبْتَ إِلَيهِمَا، فَتَقُولُ: بَصْرِيٌّ وَكُوفِيٌّ.

ФАСЛ

Қачон исмни бир нарсага нисбат қилсанг, охирига ташдидли “йо”ни зиёда қилиб, “йо”дан олдинги ҳаракатни касра қиласан.

Сўзлаганингда масалан البَلَدُ сўзини بَلَدِيٌّ дейсан. الْمِصْرُ сўзини مِصْرِيٌّ дейсан. Аммо البَصْرَةُ، الْكُوفَةُ каби муаннас “те”си бўлган исмларни нисбат қилмоқчи бўлсанг بَصْرِيٌّ، كُوفِيٌّ деб айтасан.

فصل

لاَ يَجُوزُ النِّسْبَةُ إِلَى الْجَمْعِ فَلاَ يُقَالُ: فَرَائِضِي وَلاَ صَحَائِفِي، وَإِنَّمَا يُنْسَبُ إِلَى الوَاحِدِ فَيُقَالُ: فَرْضِيٌّ وَصَحَفِيٌّ.

ФАСЛ

Жамъ исмни нисбат қилиш жоиз эмас. Ҳеч қачон فَرَائِضِي، صَحَائِفِي деб айтмайсан. Балки муфрадга нисбат берасан. Бас فَرْضِيٌّ، صَحَفِيٌّ деб айтасан.

فصل

إِذَا صَغَّرْتَ الإِسْمَ فَانْظُرْ، فَإِنْ كَانَ عَلَى ثَلاَثَةِ أَحْرُفٍ كَفَلْسٍ فَقُلْ: فُلَيسٌ عَلَى وَزْنِ فُعَيلٌ، وَإِنْ كَانَ عَلَى أَرْبَعَةِ أَحْرُفٍ كَدِرْهَمٍ فَقُلْ: دُرَيْهِمٌ عَلَى وَزْنِ فُعَيْلِلٌ، وَإِنْ كَانَ عَلَى خَمْسَةِ أَحْرُفٍ كَدِينَارٍ فَقُلْ: دُنَينِيرٌ عَلَى وَزْنِ فُعَيْلِيلٌ.

ФАСЛ

Қачон исмни тасғир қилсанг унга қарагин. Агар فَلْس каби уч ҳарфли бўлса فُلَيسٌ деб فُعَيلٌ вазнида айтгин. Агар دِرْهَم каби тўрт ҳарфли бўлса دُرَيْهِمٌ деб فُعَيْلِلٌ вазнида айтгин. Агар دِينَار каби беш ҳарфли бўлса دُنَينِيرٌ деб فُعَيْلِيلٌ вазнида айтгин.

فصل

إِذَا أَرَدْتَ تَصْغِيرَ الْجَمْعِ فَارْجِعْ إِلَى وَاحِدِهِ فَصَغِّرْهُ ثُمَّ اجْمَعْهُ بِالأَلِفِ وَالتَّاءِ، فَقُلْ: فِي تَصْغِيرِ مَسَاجِدَ وَدَرَاهِمَ – مُسَيجِدَاتٌ وَدُرَيهِمَاتٌ إِلاَّ فِي جَمْعِ القِلَّةِ فَإِنَّهُ يُصَغَّرُ كَتَصْغِيْرِ الوَاحِدِ، كَقَولِكَ: فِي تَصْغِيْرِ أَفْلُسٍ وَأَجْمَالٍ وَالسَّنَةُ وَغِلْمَةٌ أُفَيلِسَ وَأُجَيمَالَ وَأُلَيسِنَةَ وَغُلَيمِةَ.

ФАСЛ

Қачон жамъ исмни тасғир қилишни хоҳласанг уни муфрадига қайтаргин. Масалан مَسَاجِدَ وَدَرَاهِمَ сўзларини مُسَيجِدَاتٌ وَدُرَيهِمَاتٌ деб айтгин. Лекин “жамъул қилла”да эса худди муфрадни тасғир қилганингдек тасғир қиласан.

Масалан сўзингдаги: أَفْلُسٌ، أَجْمَالٌ، ألسِنَةٌ، غِلْمَةٌ исмларида أُفَيلِسَ، أُجَيمَالَ، أُلَيسِنَةَ، غُلَيمِةَ деб айтасан.

فصل

كُلُّ اسْمٍ غَيْرُ مُنَوَّنٍ إِذَا وُقِفَتْ عَلَيهِ وَجَبَ إِسْكَانُ آخِرِهِ، كَقَولِكَ: جَاءَنِي أَحْمَدُ وَالرَّجُل، وَرَأَيْتُ أَحَمَدَ وَالرَّجُل، وَمَرَرْتُ بِأَحْمَدَ وَالرَّجُل. وَإِنْ كَانَ مُنَوَّنًا أُسْقِطَتِ التَّنْوِينُ، وَالْحَرَكَةُ فِي حَالَتَي الرَّفْعِ وَالْجَرِّ دُونَ النَّصْبِ وَأُبْدِلَتْ مِنَ التَّنْوِينِ أَلِفًا فِي حَالِ النَّصْبِ، فَقُلْتَ: هَذَا زَيْد وَرَأَيْتُ زَيْدا وَمَرَرْتُ بِزَيد.

ФАСЛ

Ҳар-бир танвинли исмда қачон тўхтамоқчи бўлсанг охирини сукун қиласан. Сўзингдаги:

جَاءَنِي أَحْمَدُ وَالرَّجُل، وَرَأَيْتُ أَحَمَدَ وَالرَّجُل، وَمَرَرْتُ بِأَحْمَدَ وَالرَّجُل каби.

Агар танвинли бўлса, ундан танвин ва ҳаракат рафъ ва жар ҳолатида туширилади. Аммо насб ҳолатида туширилмасдан танвинни алифга ўзгартирилади. Масалан:

هَذَا زَيْد وَرَأَيْتُ زَيْدا وَمَرَرْتُ بِزَيد деб айтасан.

فصل

الأَسْمَاءُ الَّتِي فِي أَوَائِلِهَا أَلِفُ وَصْلٍ عَشَرَةٌ: اِسْمٌ وَاسْتٌ وَابْنٌ وَابْنَةٌ وَايْمٌ وَاثْنَانِ وَاثْنَتَانِ وَامْرِءٌ وَامْرَأَةٌ وَاَيْمُ اللهِ.

ФАСЛ

Аввалида васлали алиф (яъни гоҳида ўқилмасдан кетиладиган алиф) бўлган исмлар ўнтадир. Улар қуйидагилар:

اِسْمٌ، اسْتٌ، ابْنٌ، ابْنَةٌ، ايْمٌ، اثْنَانِ، اثْنَتَانِ، امْرِءٌ، امْرَأَةٌ، اَيْمُ اللهِ

فصل

تُضِيفُ العَدَدُ مِنَ الثَّلاثَةِ إِلَى العَشَرَةِ إِلَى الْجَمْعِ، وَالْمِائَةُ وَمَا فَوقَهَا إِلَى وَاحِدٍ، فَتَقُولُ: ثَلاثَةُ أَثْوَابٍ وَعَشَرَةُ رِجَالٍ وَعَشَرُ نِسْوَةٍ وَمِائَةُ رَجُلٍ وَثَلاثَمِائَةِ ثَوبٍ، وَأَلْفُ دِرْهَمٍ، وَتُنْصَبُ الْمَعْدُودُ مُفْرَدًا منكرًا فِي غَيْرِ ذَلِكَ، كَقَولِكَ: أَحَدَ عَشَرَ دِرْهَمًا، وَعِشْرُونَ ثَوبًا، وَتِسْعُونَ دِينَارًا.

ФАСЛ

Учдан ўнгача бўлган адад жамъга изофа қилинади. Юз ва ундан юқоридаги сонни эса бирликка изофа қилинади. Масалан:

ثَلاثَةُ أَثْوَابٍ، عَشَرَةُ رِجَالٍ، عَشَرُ نِسْوَةٍ، مِائَةُ رَجُلٍ، ثَلاثَمِائَةِ ثَوبٍ، أَلْفُ دِرْهَمٍ

Маъдуд (саналмиш) эса накра ва муфрад ҳолатида мансуб бўлади. Масалан: أَحَدَ عَشَرَ دِرْهَمًا، عِشْرُونَ ثَوبًا، تِسْعُونَ دِينَارًا каби.

أَحْوَالُ العَدَدِ

(١) العددان (واحد واثنانِ) على وَفْقِ الْمَعْدُوْدِ (صح). طَالِبٌ وَاحِدٌ – طَالِبَةٌ وَاحِدَةٌ. طَالِبَانِ اثْنَانِ – طَالِبَتَانِ اثْنَتَانِ.

(٢) الأَعْدَادُ مِنْ (ثَلاثةٍ إِلَى عَشَرَةٍ) عَلَى عَكْسِ الْمَعْدُوْدِ (×). تِسْعَةُ طُلاَّبٍ – تِسْعُ طَالِبَاتٍ.

(٣) العَدَدَانِ (أَحَدَ عَشَرَ واثْنَا عَشَرَ) الْجُزْءَانِ عَلَى وَفْقِ الْمَعْدُوْدِ (صح صح). أَحَدَ عَشَرَ طَالِبًا – إِحْدَى عَشْرَةَ طَالِبَةً.

(٤) الأَعْدَادُ (مِنْ ثَلاثَةَ عَشَرَ إِلَى تِسْعَةَ عَشَرَ) الْجُزْءُ الأَوّلُ عَلَى عَكْسِ الْمَعْدُوْدِ والْجُزْءُ

الثَّانِي عَلَى وَفْقِهِ (× صح).

خَمْسَةَ عَشَرَ طَالِبًا — خَمْسَ عَشْرَةَ طَالِبَةً.

(٥) الْمَعْطُوفُ (مِنْ أَحَدٍ وَعِشْرِينَ إِلَى الْمِئَةِ)، نَحْو: جَاءَنِي أَحَدٌ وَعِشْرُونَ غُلاَمًا وَرَأَيْتُ إِحْدَى وَعِشْرِينَ جَارِيَةً.

(٦) فِي العِقْدِ يَسْتَوِي الْمُذَكَّرُ وَالْمُؤَنَّثُ (مِنَ العِشْرِينَ إِلَى تِسْعِينَ)، نَحْو: عِشْرِينَ رَجُلاً وَتِسْعِينَ امْرَأَةً.

АДАДНИНГ ҲОЛАТИ

1) Бир ва икки сони маъдуд (саналмиш) билан жинсда мувофиқ бўлади. (1-2)

طَالِبٌ وَاحِدٌ — طَالِبَةٌ وَاحِدَةٌ. طَالِبَانِ اثْنَانِ — طَالِبَتَانِ اثْنَتَانِ. каби.

2) Учдан ўнгача бўлган сонлар, маъдуд (саналмиш)нинг жинсда акси бўлади. (3-10)

تِسْعَةُ طُلاَّبٍ — تِسْعُ طَالِبَاتٍ каби.

3) Ўн бир ва ўн икки сонларининг икки бўлаги ҳам жинсда маъдуд (саналмиш)га мувофиқ бўлади. (11-12)

أَحَدَ عَشَرَ طَالِبًا — إِحْدَى عَشْرَةَ طَالِبَةً каби.

4) Ўн учдан ўн тўққизгача бўлган сонларда, аввалги бўлаги маъдуд (саналмиш)нинг жинсда акси, иккинчи бўлаги маъдуд (саналмиш)га жинсда мувофиқдир. (13-19) خَمْسَةَ عَشَرَ طَالِبًا — خَمْسَ عَشْرَةَ طَالِبَةً каби.

5) Йигирма бирдан юзгача маътуф, дейилади. (21-100)

جَاءَنِي أَحَدٌ وَعِشْرُونَ غُلاَمًا وَرَأَيْتُ إِحْدَى وَعِشْرِينَ جَارِيَةً каби.

6) Йигирмадан тўқсонгача бўлган ўнлик сонларни “ъиқд”, деб номланади. Унда музаккар ҳам муаннас ҳам баробардир. Улар қуйидагилардир. (20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90).

عِشْرِينَ رَجُلاً وَتِسْعِينَ امْرَأَةً каби.

أَحْوَالُ الْمَعْدُودِ

(١) مِنْ ٣ إِلَى ١٠ طُلاَّبٍ (جمع مجرور).

(٢) مِنْ ١١ إِلَى ٩٩ طَالِبًا (مفرد منصوب)

(٣) ١٠٠/١٠٠٠ طالبٍ (مفرد مجرور)

МАЪДУД (САНАЛМИШ)НИНГ ҲОЛАТИ

1) Учдан ўнгача бўлган сонда саналмиш кўпликда бўлиб, мажрур ўқилади. (3-10)

2) Ўн бирдан тўқсон тўққизгача бўлган сонда саналмиш бирликда бўлиб, мансуб ўқилади. (11-99)

3) Юз ва минглик сонларда саналмиш бирликда бўлиб, мажрур ўқилади. (100-1000......).

تم الكتاب بعون اللهِ وكرمه

Китоб Аллоҳнинг ёрдами ва карами билан ниҳоясига етди.